

АҚШ да Аттелборо шахрининг илк масжиди очилди



13:05 / 29.10.2019 1775

Якшанба куни Массачусетс штатининг Аттелборо шаҳрида Ясин масжиди очилган. Бу ҳақда Thesunchronicle газетасига таяниб, iqna сайти хабар беради.

Аввал масжид ўрнида дўкон бўлган. Маҳаллий тadbиркор Омар Салаватнинг сўзларига кўра, масжид ўрнидаги дўкон бир ой ичида жойини ўзгартирган. Хусусан, масжиднинг очилиш маросимида шаҳарнинг бир қатор расмийлари, жумладан шаҳар ҳокими, штат сенатори ва Баптистлар черковининг пастори Шерил Харрис иштирок этган.

«Масжиднинг очилиши Аттелборо фуқаролари учун ажойиб имкониятдир», дейди Харрис.

Islom.uz портали таҳририяти